

ТИБОҚ МИҚОБАЛАНИНГ БАЛОҒАТ ИЛМИДА ТУТГАН ҮРНИ

Убайдуллаева Нилуфар

Сўз қўллашнинг санъат даражасида ёки санъат даражасида эмаслигини баҳолаш учун, энг аввало, сўз, унинг маъноси ва бу маънонинг тузилишини аниқ тасаввур этиш лозим. Албатта, сўзнинг қўлланиши билан боғлиқ ҳолда юзага чиқадиган қўшимча маъно нозикликлари, мазмун ўзгачаликлари турли тасвир усуллари ва воситалари орқали реаллашиши мумкин. Аммо таъкидлаш жоизки, бундай қўшимча маъно нозикликлари аксар ҳолларда, аввало, сўз маъно қурилишининг ўзида имконият сифатида мавжуд бўлади, улар сўзнинг маъно қурилиши таркибида илгаридан қайд этилган бўлади.

Демак балоғати илми баён, маъоний ва бадеъ илмларидан иборат ҳамда баён илми турли йўллар билан битта маънони ифодалаб бериш, маъно илми - айтилган сўзнинг вазият, ўринга айнан мос тушиши ҳисобланади.

Илмул бадеъ - балоғат таркибига кирувчи уч илминг бири ҳисобланади. Илмул бадеъга оид дастлабки асарлар араб тилида яратилган бўлиб, IX-X асрларга оид Наср бин Ҳасаннинг "Маҳосинул-калом", Ибн Муътазнинг "Китобул-бадир". Қудамма ибн Жаъфарнинг "Нақдуш-шеър" рисолалари шулар жумласидандир. Шунингдек, форс тилида яратилган Умар Родуёнийнинг "Таржимонул-балоға", Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг "Бадозъус-саноз" асарлари илмул-бадеънинг ривожланишига катта ҳисса қўшган. Шунингдек, туркий тилдаги илмул-бадеъга доир илк асар сифатида Шайх Аҳмад Худойдоднинг XV асрда яратилган "Фунун ул-балоға" рисоласи эътироф этилади. Илмул бадеъ айтиладиган гапни вазиятга мувофиқ равишда безаш, гўзал шаклга келтириш, нутққа безак берувчи санъатлар, уларнинг ўзига хос жиҳатлари, таснифланиши, нутқнинг эстетик функциясини ошириш, фикрни гўзал ва мазмунли ифодалаш каби масалаларни ўрганувчи илм. Илмул бадеъ баъзан лафз, баъзан эса маъно билан боғлиқ бўлади. Шу хусусдан улар маънони безовчи воситалар ва нутқни безовчи воситалар деб номланувчи икки турга бўлинади.

Дастлаб маънони безовчи воситалар хусусида сўз юритайлик. Бу воситаларнинг куйидаги турлари мавжуд.

Икки маънолилик (маънони яшириш). Бунда айтган гапимиз зоҳиридан бошқа маънони англатса-да, уни яна иккинчи маъноси борлиги тушунилади.

Антитеза (солиштириш, қаршиланттириш). Муқобала анитетазадан келиб чиққан, икки ёки ундан ортиқ маъноларни тартиб билан келтириш илми ҳисобланади. Биз баҳс юритадиган мавзу ҳам муқобала ва тибоқ илмлари ҳақида бўлади. Истихдом - икки маъноли сўзнинг бир маъносини ифодалаб, иккинчи маъносини назарда тутиш. Ёки жамлаш каби мисолларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Кейинги бадеъ турларидан бири тибоқ туридир. Тибоқ мутоабқа деб ҳам номланади. Бу бир-бирига карама-карши бўлган икки сўз ўртасини жамлашдир. Бу икки сўз гоҳида иккита исм бўлади. Масалан: Каҳф сурасининг 18-оят

(ال كهف ١٨) (رقود وهم أي قاطا وت ح سد بهم)

“Ухлоқ бўлсалар-да, (кўзлари очик бўлгани учун) уларни уйғоқ деб ўйлайсан.”

Булар икки бир-бирига қарама-қарши бўлган исмлар бўлиб, бир жумлада жамланыпти. Уларни мудроқ деб ўйлайсан, ваҳоланки, мудроқдирлар. Уйғоқ ва мудроқ сўзлари бир жумлада келди, шунинг учун мутобақа бўлди. Кўриб турганимиздек, иккала лафз ҳам исм сўз туркумидандир.

Иккинчиси салбий тибоқ - бу икки зид калима ижобий ва салбий жихатдан аралашган гап. Гоҳида битта масдардан хосил бўлган икки феъл бир гапда жамланади. Улардан бири бир марта мусбат формада бўлади ва иккинчи марта уни инкор қилиб келади. Бунга мисол:

(7-الاروم) غاف لون هم الخرة عن وهم الذن يا ال حياة من ظاهرا ي علمون

Улар охиратдан гофил (беҳабар) бўлган ҳолларида факат (шу фоний) дунё ҳаётининг зоҳиринигина билурлар.

Бу оятда икки зид феъл "билурлар" ва о "беҳабар" бир гапда жамланган.

(9-الزمر) يعلمون لا والذين يعلمون ذن ال ي سد توي هي قل

Айтинг: «Биладиганлар билан билмайдиганлар тенг бўлурми?!>>

Бу оятда ҳам икки зид феъл "биладиганлар" билан У "билмайдиганлар" бир гапда жамланган. Ёки ўша бир гаптаги бир масдардан хосил бўлган икки феълнинг бири амр, иккинчиси эса нахий бўлади:

(3:الاعراف) أول ياء دونه من ت ت بعوا ولا رب كم من ال يكم أذل ما الله بعوا

Роббингиздан сизларга нозил қилинган нарса (Қуръон таълимотига эргашингиз, ундан бошқа «дўстлар»га эргашмангиз!!

Оятдаги биринчи сўз ф "эргашингиз" амр бўлиб, иккинчи "эргашмангиз" худди ўша феълнинг нахийсидир.

Муқобала-мослашиш. Мутобақада икки бир-бири билан қарама- қарши маънодаги сўзлар жамланган бўлса, энди муқобалада ўша бир-бирига тесқари сўзларга мослашадиган нарса қиради. Бу ўша тесқари сўзларга мувофик келадиган бир ёки ундан кўп маъноларнинг келишидир. Аллох таолонинг мана бу сўзи каби²:

* ل ل يسرى ف سد يسره - ب ال حسنى و صدق وات قى أعطى من ف أما

(5-10: ال ليل) ل لعسرى ف سد يسره - ب ال حسنى و كذب - و اسد تغنى ب خل من وأما

5. Бас, кимки (закот ва садақотларни) берса ва (Аллодан) кўрқса, б. ҳамда гўзал (нарсани) * тасдиқ этса,

* Гўзал нарсдан мурод ислом дини ёки жаннат ёхуд иймон калимаси.

7. Бас, унга осонликни муяссар қилурми.

8. Аммо кимки бахиллик қилса ва (ўзини) беҳожат (бой) санаса,

9. Ҳамда гўзал (нарсани) ёлгонга чиқарса,

10. Бас, унга оғриқликни муяссар қилурми.

Оятдаги $ل ل يسرى$ сўзига $و كذب$ сўзи, $و صدق$ сўзи, $ب خل$ сўзига $عطى$ сўзлари қарама-қаршидир. Оятларнинг охирида ўша тесқари сўзларга мувофик келадиган маънолар келмоқда.

Кейинги мақоламизда тибоқ ва муқобала тушунчаларига чуқурроқ киришиб, Қуръони қаримдан кўпроқ мисоллар кўриб чиқамиз.